



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ  
ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

## **АГРАР СОҲАДАГИ ИЛМ-ҒАН ЯНГИЛИКЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР**

Иқтидорли талаба ва магистрантларнинг  
“2016 йил – Соғлом она ва бола йили”га бағишланган  
илмий конференцияси материаллари тўплами

**II-қисм**



Самарқанд - 2016

B.V.Abdullayev, T.A.Xayitov. Urug'larni yo'l-yo'l usulida ekadigan qurilma.....	119
Z.G'ofurova, E.Xusanov. C vitamini (antiskorbut vitamini).....	121
R.Sodiqova, E.Xusanov. Qishloq xo'jaligida ishlatiladigan marganesli o'g'itlar.....	123
M.Toliboyeva, E.Xusanov. Biogazning amaliy ahamiyati.....	124
S.V.Uralov, A.S.Mamanazarov. Autocad dasturida uch o'lchamli tasvirlar – 3d tushunchasi va sirtlarni hosil qilish.....	126
L.Axatova, G.Xodjaёрова. Натрий и его рол в организме человека.....	128
Ф.Қодиров, Р.Тўхтаров, А.Хасилбеков. Жунга бирламчи ишлов беришнинг технологик асослари.....	130
М.Хашимова, А.Жахонгиров. Теоретическое обоснование высевяющего аппарата при посеве семян кукурузы пунктирным методом.....	132
Д.Гуломов, Б.Ибрагимов. Структура и каталитические свойства ацетилацетоната железа (ii) на ионных носителях.....	134
Б.М.Холов, А.Х.Юсупов, Р.Б.Туйгунов. Кишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашни ривожлантиришдаги ислохотлар.....	136
Ж.Пардаев, А.Х.Юсупов, Р.Б.Туйгунов. Кишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича тавсиялар.....	138
Ф.Каримова, Ж.Убайдуллаев. Кимёвий модификацияланган табиий жун толасининг механик хоссалари.....	140
С.А.Жахонгиров, З.А.Абдуғаниев. Ғўза қатор орасига ҳамда суғориладиган очик майдонларга ғалла экишда қўлланилаётган техник воситалар таҳлили.....	141
С.В.Уралов, Д.Рахматуллаев, Ў.Бобоев, Ш.Ш.Мирзаходжаев. Фаол ишчи органи комбинациялашган фронтал плуг асослаш.....	144
<b>АГРОНОМИЯ ШУЪБАСИ .....</b>	<b>147</b>
З.Очилов, С.Ғайбуллаев. Лалмикорликда юмшоқ буғдойнинг қимматли белги ва хусусиятларга эга янги нав намуналари.....	147
Э.Носиров, К.Мўминов. Ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқларда пахта ҳосилини ўғитлаш усулларига боғлиқлиги.....	149
Ф.Махмадиёров, К.Мўминов. Пахтазордаги бегона ўтларга қарши курашниш тадбирларни пахта ҳосилига таъсири.....	151
У.Хамроев, Д.Т.Абдукаримов, У.Ш.Қаршиева. Буғдой нав намуналарини селекция жараёнида қимматли белги хусусиятларини баҳолаш.....	154
А.Пўлатов, К.Мўминов. Ирригация эрозиясига учраган тупроқлар унумдорлиги ва пахта ҳосилдорлигини ошириш омиллари.....	155
А.Махаммадиева, У.Ш.Қаршиева. Селекция учун калта пояли юмшоқ буғдойнинг ётиб қолишга чидамли нав намуналарини танлаш.....	158
С.Худойбердиев, Т.Х.Ходжакулов, У.Қаршиева. Арпа селекциясида касалликларга чидамли нав намуналарини танлаш.....	160
Б.Қўлдошев (СамКХИ), Л.Халилова (СамДУ). Янги кузги буғдой нави тупланиш динамикаси ва ҳосилнинг шаклланишига экиш муддатларининг таъсири.....	161
Д.Эржигитов, У.Қаршиева. Юмшоқ буғдойнинг маҳаллий навларининг қимматли белги хусусиятларини баҳолаш.....	164
С.Сафаров, Ю.Абдуллаева, И.Т.Эргашев. Маккажўхори дурагайлариининг маҳсулдорлик кўрсаткичлари.....	165
С.Сафаров, И.Т.Эргашев. Маккажўхори дурагайлариининг тезпишарлигини аниқлаш..	166
Р.Р.Эргашев, А.Л.Санакулов. Донли экинларда микроўғитларни қўллашнинг ўсиш, ривожланиш ва ҳосилдорликка таъсири.....	168
Ш.Худойбердиева, Н.Халилов. Лалмикорликда кузда экилган баҳори буғдойнинг ҳосилдорлигига экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири.....	170
Ш.Жабборов, С.Суванова, И.Т.Эргашев. Колорадо кўнгизига чидамлик - муҳим хусусият.....	172

Ўғит сифатида ҳайдаб ташланган тупроқда гумус, азот ҳамда ҳаракатчан фосфор миқдори ортади, тупроқларни хажм массаси камайиб, нам сигими ортади ва пировард натижада пахтадан юқори (33,5-34,8 ц/га) ва сифатли ҳосил етиштириш имконияти яратилади.

Ирригация эрозиясини салбий оқибатларини камайтириш, тупроқ унумдорлигини ошириш ва пахтадан юқори ҳосил етиштиришда участканинг қиялиги 0,005 м дан юқори бўлган майдонларда суғориш эгاتлари чуқурлигини 10 см дан оширмаслик, қиялик 0,005, эгат узунлиги 150 метр бўлганда суғоришни 0,10 л/сек да, эгатлар узунлиги 100 метрни ташкил этганда эса, суғоришни 0,05 л/сек меъёрида ўтказиш яхши самара бериши тадқиқотлар асосида аниқланади.

## СЕЛЕКЦИЯ УЧУН КАЛТА ПОЯЛИ ЮМШОҚ БУҒДОЙНИНГ ЁТИБ ҚОЛИШГА ЧИДАМЛИ НАВ НАМУНАЛАРИНИ ТАНЛАШ

**А.Маҳмадиева – магистратура талабаси,  
У.Ш.Қаршиева – илмий раҳбар, доцент**

**Аннотация.** Буғдой ўсимлигининг ётиб қолишга чидамлилиги турли экологик зоналарда турлича ҳал қилинган. Изланишларда калта бўйли нав яратилишида бақувват пояли ўсимлик бўлиши, илдиз тизимининг бақувват бўлиб ривожланишига қараб танлаш, илдизнинг ётиб қолишга чидамлилиги ва унда қўшимча илдизлар ўрғанилган ва эътиборга олиш тавсия этилган.

**Калит сўз:** нав, намуна, фенологик, коллекция, селекция.

Ўзбекистонда аҳоли сонининг ортиши унинг озиқ-овқатга бўлган талаби ортиши билан узвий боғлиқдир. Бу муаммо қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жаддалаштириш орқалигина ечилади. Ушбу жараёни амалга ошириш омилларидан бири қишлоқ хўжалик экинлари, жумладан буғдой навларини доимо яхшилаб, мукаммалаштириш, янги шакл ва услубларни кидириб топиш лозимлигини тақозо этади.

Тадқиқотларимизнинг асосий мақсади суғориладиган ерлар шароитида буғдойни ётиб қолишга чидамли дастлабки материални танлаш ва шу асосида ҳосилдорликни ҳамда дон сифатини оширишдир. Юмшоқ буғдойнинг нав ва намуналарининг ётиб қолишга чидамлилигини дала шароитида аниқлаш; танлаб олинган юмшоқ буғдой нав ва намуналарнинг қимматли белги хусусиятларини ўрганиш, ҳосилдорлигини, ётиб қолишга чидамлилигини аниқлаш илмий ишмизнинг асосий мақсади ҳисобланади. Дунё ва мамлакатимиз селекцияси тажрибасидан шу маълумки, азотли ўғитларнинг оширилган меъёрларига ётиб қолишга чидамли бўлган калта пояли буғдой навларига талабчан ҳисобланади.

Айрим йилларда ётиб қолиш натижасида доннинг 25-40 % йўқотилади. (Муҳаммадиев, 1986 ва бошқалар). Шу билан бирга, ётиб қолган буғдойнинг дони замбуруғ касалликларига осон чалинади ва экин учун ишлатиладиган уруғнинг сифати ёмонлашади. Бунинг натижасида доннинг технологик хусусияти ёмонлашади. Ётиб қолган буғдойни йиғиштириб олишда катта қийинчиликлар юзага келади ва доннинг кўп қисми йўқотилади. Буғдойни суғориладиган шароитларда парвариш қилганда, уларнинг ётиб қолиши айниқса кенг тарқалган. Ётиб қолишга чидамлилик муаммони икки хил йўл билан ҳал этиш мумкин: селекция йўли билан ётиб қолмайдиган навларни яратиш ва поя узунлигини қисқартирувчи қимёвий моддаларни фойдаланиш.

Ётиб қолишга чидамлилик кўпинча поянинг анатомик тузилишига боғлиқ бўлиб, у поянинг синишга нисбатан қайишқоклигини белгилайди. Поянинг анатомик структураси генетик белгилаб берилган - аммо илдиз ва поя тўқимасининг механик элементларини ривожланишига ёруғлик жуда кучли таъсир кўрсатади (Гальченко, 1981, Ходжакулов, 1988).

Донли экинларнинг ётиб қолишга ёки доннинг тўқилишига чидамлилиги механизацияга мослашганлигининг бевосита белгиларидир. Донли экинларнинг ётиб қолиши фақат механизмлардан фойдаланишни қийинлаштирибгина қолмай, балки ҳосилнинг кўп миқдорда нобуд бўлишига ҳам сабаб бўлади. Айниқса, бошқоқли ғалла экинларининг гуллаш ёки дон тўлишиш даврининг бошларида ётиб қолиши ишлов бериш ва йиғиштириш ишларини сифатли ўтказишга катта қийинчиликлар туғдиради.

Бошқоқли дон экинларида ётиб қолишнинг икки хили учрайди: поянинг ётувчанлиги ва илдизолди ётувчанлиги. Биринчи ҳолда поянинг пастки бўғинлари узунлиги бўйлаб эгилади. Ётиб қолишга чидамли ва чидамсиз навлар бир-биридан поянинг анатомик тузилиши билан фарқ қилади. Бундан ташқари, ётиб қолмайдиган навларнинг илдизи яхши тармоқланган, анча йўғон ва бақувват бўлади, ётиб қоладиганларники эса вертикал, механик тўқималари нозикроқ бўлади. Қаттиқ ва юмшоқ буғдойнинг бақувват пояли, ётиб қолмайдиган нав ва шакллари одатда яхши ривожланган иккиламчи илдизларга эга.

Тадқиқотлар давомида фенологик кузатиш, ўсимликларнинг касалликларга ва ётиб қолишга чидамлилиги, ҳисоблаш ва таҳлиллар дон экинларини етиштириш технологияси (1993) бўйича ишлаб чиқилган тавсия ва қишлоқ хўжалик экинларининг янги навлар синаш бўйича Давлат нав синаш комиссияси (1985, 1989) услуби бўйича олиб борилди.

Касалликларга чидамлилигини баҳолаш халқаро ICARDA марказида (International Center for Agricultural Research in the Dry Areas) (1996 йил) ишлаб чиқилган шкала бўйича (%) да баҳоланди.

Селекцион материалнинг ётиб қолишга чидамлилиги дала шароитида бевосита ва билвосита усуллар билан ҳамда лаборатория шароитида баҳоланади. Дала шароитида баҳолаш беш балли система билан ўтказилади.

Ётиб қолиш ҳосилдорликни, дон сифатини пасайтиради ва ғаллани ўриб олишни қийинлаштирилади. Тажрибаларда ўсимлик поясининг баланс бўлиши ётиб қолишга мойиллигини билдирди. Ўсимлик поясининг балансдлиги 80-90 см бўлган қуйидаги нав намуналари Iran1.6816 (Эрон), CIT 88001 (Мексика), Ormil (Франция), K-56905 (Канада), K-520293 (Югославия), K-49381 (Хиндистон) ётиб қолишга чидамли бўлганлиги аниқланди, бўйи 102 см бўлган буғдойни назорат, Крошка навида эса ўсимликлар ётиб қолди.

Буғдойнинг бўйи ва ётиб қолишга чидамлиги

№	Номери ва нав номи	Мамлакат номи	Ўсимликнинг бўйи, см	Ўсимликнинг ётиб қолишга чидамлилиги, балл
1	Крошка	Украина	102	3
2	Iran1.69.20	Эрон	95	4
3	Iran1.6816	Эрон	100	5
4	CIT 88001	Мексика	75	5
5	Ormil	Франция	85	5
6	K-56905	Канада	90	5
7	Bul. 631.3	Болгария	92	4
8	SWM 12023	Мексика	88	5
9	K-520293	Югославия	90	5
10	K-49381	Хиндистон	89	5

Демак, жадвалда келтирилган нав намуналари Iran1. 6816 (Эрон), CIT 88001 (Мексика), Ormil (Франция), K-56905 (Канада), K-520293 (Югославия), K-49381 (Хиндистон) каби нав намуналаридан буғдой селекциясида янги навларни яратишда дастлабки материал сифатида фойдаланиш мумкин.